
Ғалла йиғим-терими авжида

Дон ризқ-рўзимиз ҳисобланиб, уни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда илғор фермер хўжаликлари аъзолари тиним билмасдан меҳнат қилмоқдалар. Соҳибжон Маматоҳилов раҳбарлигидаги “Маматоҳир Б.К.Р.” фермер хўжалиги ғаллакорлари ҳам туманда биринчилардан бўлиб, буғдой ўрими қизғин бошлаб юбордилар. Бу йил 60 гектар майдонга сара дон уруғини экиб, ундан давлат қабул пунктига 236 тоннадан ошириб ҳосил топшириш ниятидалар. Буғдойни сифатли ўришда моҳир комбайнчилар Азаматжон Саидахмедов, Шохруҳбой Хайдаровлар жонбозлик кўрсатяптилар, шофёрлардан Ихтиёржон Бобоқулов, Йигитали Хайдаровлар давлатга кунига 6 тоннадан ортиқ ғаллани ўз вақтида етказиб бермоқдалар.

Моҳир ғаллакорлар бугун-эрта теримни тугаллаш арафасида.

Мўминжон Мирзаев.

2020-06-15 08:17:07